

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЖИМОВ ИСКАНДЕР ПЕРДЕБАЕВИЧ

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ
(ҚОРАҚАЛПОЎИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)**

08.00.03– Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

УДК: 338.24:338.45(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Нажимов Искандар Пердебаевич

Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор
ривожланишини таъминлаш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида) 3

Нажимов Искандар Пердебаевич

Обеспечение устойчивого развития предприятий промышленности
строительных материалов (на примере Республики Каракалпакстан) 27

Najimov Iskander Perdebaevich

Ensuring sustainable development of enterprises of building materials
industry (on the example of the Republic of Karakalpakstan) 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.I.03.05 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НАЖИМОВ ИСКАНДЕР ПЕРДЕБАЕВИЧ

**ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ҚОРХОНАЛАРИНИНГ
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИНИ ТАЪМИНЛАШ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)**

08.00.03– Саноат иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2021

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt883 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетидега бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нуримбетов Равшан Ибрагимович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Бурханов Ақтам Усманович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Хонкелдиева Гузал Шеровна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.I.03.05 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «19» февраль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тел. (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Ислоом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (198 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй, Тел. (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32. e-mail: tstu_info@tdtu.uz

Диссертация автореферати 2021-йил «01» февраль куни тарқатилди.
(2021-йил «01» февраль даги 10 - рақамли реестр баённомаси).



Н.М.Махмудов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси и.ф.д., профессор

Г.Ж.Аллаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

М.А.Махкамova
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётида қурилиш индустрияси жадал суръатлар билан ривожланаётган тармоқлардан бирига айланмоқда. Жаҳон умумий ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида қурилиш материаллари ҳамда бино ва иншоотлар қурилиши соҳалари муҳим аҳамиятга эга. Дунё мамлакатлари ЯИМнинг 13 фоизи айнан шу тармоқда яратилаётганлиги, қурилиш инфратузилмасини барқарор ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратилаётганидан далолат беради. «Бутун дунё бўйича қурилиш материаллари тармоғида яратилган ишлар ҳажми 2020 йил охирига келиб 4,8 трлн. АҚШ долларини ташкил этиши, етти йилдан кейин эса 7,2 трлн. АҚШ долларига ва жаҳон ЯИМининг 15% фоиз улушига эришилиши»¹ етакчи экспертлар томонидан башорат этилиб, бу жараённинг янада жадаллашиши кутилмоқда.

Жаҳонда қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича кенг қамровли илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, инновацион иқтисодиётнинг ривожланиши шароитида бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ва атроф-муҳитни сақлаш, ижтимоий муаммоларни бартараф этишни таъминлашга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда маҳаллий хомашё асосида арзон, шу билан бир қаторда юқори истеъмол кўрсаткичларига эга янги қурилиш материалларини яратиш, шунингдек рақамли технологияларни кенг жорий қилган ҳолда соҳанинг ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ошириш каби йўналишларда кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳамда капитал қурилиш моддий-техник базасининг ажралмас қисми сифатида қурилиш материаллари саноатини сифат жиҳатдан ривожлантириш юзасидан кенг кўламда чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасининг мамлакат саноат зоналаридан нисбатан узоқлиги ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатининг етарли даражада ривожланмаганлиги сабабли соҳада инвестицион жозибадорликни оширишга эътибор қаратиш лозим. Ҳудудда ишлаб чиқаришнинг самарали ва барқарор ривожланиши учун имкониятлар мавжуд бўлишига қарамасдан Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноатининг самарадорлик кўрсаткичлари кўп жиҳатдан мамлакатнинг ўртача кўрсаткичидан орқада қолмоқда. Шу боис соҳада маҳаллий хомашёлар асосида янги турдаги юқори сифатли, рақобатбардош ва энергия тежамкор материалларни яратиш асосида қурилиш материаллари саноати корхоналарини барқарор ривожлантиришга йўналтирилган илмий изланишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ <http://www.industrytap.com/global-construction-expected-to-increase-by-4-8-trillion-by-2020/1483>

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари ва 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4198-сон «Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 11 ноябрдаги ПҚ-4889-сон «2020-2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. И.Ансофф, П.Ф.Друкер, Р.Каплан, Т.Коупленд, Т.Коллер, Дж.Муррин, Д.Нортон, Сунь Цзи² каби хорижий иқтисодчи олимлар томонидан саноат корхоналари иқтисодий салоҳиятининг назарий асослари, иқтисодий моҳияти ва илмий жиҳатлари ўрганиб чиқилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ва ўсиш салоҳиятини ошириш муаммоси В.М.Архипов, Э.В.Жоглина, Г.Б.Клейнер, В.В.Ковалев, Р.В.Марушков, Б.А.Райзберг, И.В.Брянцева, Б.В.Прикин, Г.Х.Бирюков, Д.В.Дамаев, Т.В.Колосова³ ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган.

²Ансофф И. Новая корпоративная стратегия (The New Corporate Strategy). – Питер, 1999. – 416 с. – ISBN 5-314-00105-2, 0-471-62950-2, Друкер П.Ф. Менеджмент. Вызовы XXI века – М.: «Манн, Иванов и Фербер», 2012 – с. 256 – ISBN 978-5-91657-365-7; Каплан Р., Нортон Д. Организация, ориентированная на стратегию. Как в новой бизнес-среде преуспевают организации, применяющие сбалансированную систему показателей: пер.с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2005. – 416 с.; Коупленд Т., Коллер Т., Муррин Дж. Стоимость компаний: оценка и управление. пер.с англ. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008 – с. 576 – ISBN 978-5-9693-0119-1, Сунь-цзы. Искусство стратегии. Классические труды / пер. с кит., предисловие и комментарии Н. И. Конрада. – М.: Эксмо. СПб.: Мидград, 2006. – 528 с.

³ Архипов В.М. Проектирование производственного потенциала объединений (теоретические аспекты) – Л.: Изд. ЛГУ, 2009. – С.75-89.; Жоглина Е.В. Согласование механизмов управления развитием экономического потенциала: автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.05 / Жоглина Е.В. – Ставрополь, 2008. – 26 с.; Клейнер Г.Б., Тамбовцев В.Л., Качалов Р.М. Предприятия в нестабильной экономической среде: риски, стратегии, безопасность. – М.: Экономика, 1997. – 288 с.; Ковалев, В.В. Финансы организаций (предприятий): учебник / В.В. Ковалев. – М.: Проспект, 2010. – 352 с.; Марушков Р.В. Оценка использования экономического потенциала предприятия (на примере предприятий печатной отрасли), автореф. дис... канд. экон. наук: 08.00.05 / Марушков Р.В. – М.: 2000. – 20 с.; Райзберг Б.А. Государственное управление экономическими и социальными процессами. – М.: ИНФРА-М, 2008. – 384 с.; Брянцева И. В. Экономическая устойчивость предприятия: сущность, оценка, управление. Хабаровск: Изд-во Хабар, гос. ун-та, 2003. – 230 с.; 66. Прикин Б. В. и др. Основы управления. Производственно-строительные системы: Учеб. для вузов. М.: Стройиздат, 1991. – 336 с.; Бирюков Г.Х. Формирование механизмов устойчивого развития промышленного предприятия: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Владимир, 2006. – 22 с.; Дамаев Д.В. Комплексная оценка

Ўзбекистон Республикаси инвестицион қурилиш комплекси ва унинг моддий-техник базасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммолари А.М.Ҳикматов, Ш.Н.Зайнутдинов, Р.И.Нуримбетов, М.К.Зияев, И.Х.Давлетов, Б.Д.Кальметов, В.А.Казимов, Р.И.Гимуш, С.М.Ниязов, А.Суёнов, Э.Х.Маҳмудов, Ш.К.Қурбаниязов⁴ ва бошқа олимларнинг асарларида ўз аксини топган.

Шунга қарамай, замонавий шароитда бозор муносабатларини чуқурлаштириш, инновацион жараёнларнинг жадаллашиши, рақобат муҳитини кучайтириш ҳамда ресурс ва энергияни тежаш зарурати, атроф-муҳитнинг сақланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган қурилиш соҳасининг таркибий қисми бўлган қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг инвестицион қурилиш фаолиятини фаоллаштириш учун янги ёндашувлар зарур.

Илмий нашрларнинг кўплигига қарамай, минтақадаги қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмини яратишнинг кўплаб назарий ва услубий жиҳатлари қўшимча изланишларни талаб қилади. Иқтисодий модернизация қилиш шароитида муаммони ҳал қилиш янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу корхоналарнинг бугунги ва келажак нуқтайи назаридан барқарор ривожланишини таъминлаш учун муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Ушбу йўналишда изланишларга бўлган эҳтиёж диссертациянинг мақсади ва вазифаларини танлашни олдиндан белгилаб берди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-47 «Қуйи Амударё минтақасида қурилиш индустриясини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлан-

устойчивого развития промышленных предприятий: методический подход: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. – Новосибирск, 2005. – 21 с.; Колосова Т.В. Обеспечение устойчивого развития предприятия на основе повышения его инновационного потенциала: автореф. дис. ... д-ра экон. наук: 08.00.05. – Нижний Новгород, 2011. – 44с.

⁴ Ҳикматов А. М. Инвестиционная политика в условиях либерализации экономических реформ в Узбекистане. // Рынок, деньги, кредит, №6, 2000; Зайнутдинов Ш. Н., Нуримбетов Р. И. Ресурсная база и потенциал производства Узбекистана: использования и эффективность (региональный аспект) // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №10 (23). С. 207-212. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/zaynutdinov> (дата обращения 15.10.2017); Зияев М.К., Давлетов И.Х. Совершенствование управления инвестиционно-строительным процессом в условиях углубления рыночных отношений // Инвестиционный потенциал банков: вызовы, возможности и перспективы: Матер. межд. науч.-практ. конф. БФА РУз, 26-27 сентября 2008 г. – Ташкент: “Молия”, 2008. - С.46-49; Кальметов Б.Д., Казимов В.А., Гимуш Р.И. Углубление экономических реформ в строительном комплексе Узбекистана. Монография Ташкент, 2006. 186 с.; Ниязов С.М. Экономическое реформирование производственно-технической базы строительства.-Т.: Изд-во «Fan va texnologiya», 2010.-176с.; Суёнов А. Модернизация экономики капитального строительства на основе совершенствования инвестиционных процессов.- Т.: «Fanvatehnologiya», 2010.-164 с.; Маҳмудов Э. Х. Промышленность Узбекистана: экономика, размещения, приоритеты развития (вопросы теории и практики) Ташкент: Иқтисодий, 2013. 131 с.; Қурбаниязов Ш.К. Производство строительных материалов на современном этапе экономического развития Узбекистана. // Biznes-эксперт, 2017 йил, №11(119). (08.00.00; № 3).

тириш стратегиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати корхоналарининг барқарор ривожланиши борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиши стратегик самарадорлигининг моҳияти ва энг муҳим элементларини аниқлаш;

замонавий шароитда корхоналарнинг барқарор ривожланиш кўрсаткичларини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва қурилиш материаллари саноатининг барқарор ривожланишга эришишидаги ролини баҳолаш;

қурилиш материаллари саноатининг ривожланиш даражасини баҳолаш ва унинг стратегик самарадорлигини таъминлашнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати барқарор ривожланишининг стратегик самарадорлигини таъминлаш механизмини тадқиқ этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корхоналарининг стратегик самарадорлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати корхоналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини минтақадаги қурилиш материаллари саноати корхоналарининг фаолиятида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотда мантиқий ва таққослама таҳлил, иқтисодий-математик моделлаштириш, эксперт баҳолаш, тизимли таҳлил, статистик ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

минтақада қурилиш материаллари саноатини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида соҳада турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асосланган;

қурилиш материаллари саноатида синергетик натижага эришиш ва соҳани барқарор ривожлантиришнинг самарали бошқаруви юзасидан ҳудудий инновацион кластерни яратиш таклиф этилган;

қурилиш материаллари саноати корхоналарини самарали ривожлантиришда паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини жадал пасайтириб бориш ва соҳада меҳнат унумдорлигини жадал ошириб бориш зарурати асосланган;

Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг сценарийлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида қурилиш материаллари саноати корхоналари барқарор ривожланишини таъминлашнинг услубий асослари шакллантирилган;

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиши механизми инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштирилган;

қурилиш материаллари саноати корхоналари учун барқарор ривожланиш тизимининг элементларини шакллантириш бўйича услубий ва амалий кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этувчи омиллар таъсирини баҳолаш натижаларига асосланган ҳолда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича турли прогноз-сценарийлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Статистика бошқармасидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва тавсияларнинг ваколатли тузилмалар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-методологик таклиф ва тавсиялар, қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишига оид илмий аппаратни бойитиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қурилиш материаллари саноати корхоналарида барқарор ривожланиш омилларини аниқлаш ва уларни баҳолаш, қурилиш материаллари саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини ошириш, корхоналарда барқарор ривожланиш механизмини такомиллаштириш, тармоқ корхоналарини ривожлантиришга оид комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, шунингдек, «Қурилиш материаллари корхоналари иқтисодиёти», «Корхона иқтисодиёти» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

минтақада қурилиш материаллари саноатини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида соҳада турли мулкчилик шаклларига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги борасидаги таклифи Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари саноати соҳасида фаолият юритувчи корхоналар фаолиятига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/712-сон маълумотномаси). Натижада, соҳада фаолият юритувчи минтақадаги қурилиш материаллари саноати корхоналари самарадорлигини 10-12 фоизга оширишга эришилган;

қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида ҳудудий инновацион кластер ташкил этиш асосида соҳанинг институционал асосларини такомиллаштириш борасидаги таклифи келажакда қурилиш материаллари саноати соҳасида фаолият юритувчи корхоналар фаолиятига жорий этиш учун қабул қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/712-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Қорақалпоғистон Республикасида соҳа корхоналарининг ўртача йиллик даромади 14 фоизга ошиши прогноз қилинган;

қурилиш материаллари саноати корхоналарини самарали ривожлантиришда паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш улушини пасайтириб бориш ва соҳада меҳнат унумдорлигини жадал ошириб бориш зарурати борасидаги таклифи соҳа корхоналари амалиётга татбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/712-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётда жорий этиш натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш кўрсаткичларининг ижобий томонга ўсиши 20 фоизни ташкил этган;

Қорақалпоғистон Республикасида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатини маҳаллий хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида 2025 йилга қадар ривожлантиришнинг сценарийлари борасидаги таклифи Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг саноат ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўлимида тармоқлар ва ҳудудлар ривожланишини прогнозлашда қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 01/712-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида минтақада қурилиш материаллари саноатининг самарадорлигини ошириш ва улар ҳажмининг ўсиш суръатларини таъминлайдиган дастакларни танлаш имконияти яратилиб, минтақада саноат материалларини ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилга бориб 32,1 фоизга ошиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг умумий ҳажми 147 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва тадқиқотнинг илмий янгилиги тавсифланган, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Корхоналар барқарор ривожланишининг назарий ва услубий асослари"** номли биринчи бобида корхоналарни барқарор ривожлантиришда стратегик самарадорликнинг моҳияти ва муҳим элементлари, саноат корхоналари барқарорлигини шакллантириш мезонлари ва омиллари ҳамда замонавий шароитларда корхона ривожланишининг стратегик барқарорлигини таъминлаш масалалари ёритиб берилган.

Бугунги замонавий дунё барча соҳаларда глобал ўзгаришлари билан, яъни иқлим ўзгаришидан то инсоният фаолиятидаги технологик силжишлари билан ажралиб туради. Шундай қилиб, ушбу асрнинг атиги 20 йилида дунё аҳолиси 26 фоизга кўпайди. Жаҳон иқтисодиёти тўртинчи технологик инқилоб остонасида турибди.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, барқарор ривожланиш ҳақидаги биринчи, фундаментал ғояни Г.Х.Брундтланд 1987 йилда Рио-де-Жанейрода атроф-муҳит ва ривожланиш бўйича Халқаро комиссиянинг ҳисоботида тақдим этган. У: "Барқарор ривожланиш – бу келажак авлодларнинг эҳтиёжларини қондириш қобилиятини бузмасдан, ҳозирги замон эҳтиёжларини қондиришдир"⁵,-деган эди. Баъзи тадқиқотларда⁶, барқарор

⁵Доклад Всемирной комиссии по вопросам окружающей среды развития."Наше общее будущее". <https://www.un.org/ru/ga/pdf/brundtland.pdf>.

⁶ Артюхов, В. Закономерности, системные аналоги и теоретические основы мониторинга глобального кризиса, свидетелями и участниками которого мы являемся // Интерфакс-Эра. –Режим доступа: [https://interfax-era.ru/metodologiya/analiticheskie-obzory/monitoring-globalnogo-krizisa](https://interfax-era.ru/metodologiya/analiticheskie)

ривожланиш – ижтимоий-экологик-иқтисодий тизим, яъни ташқи омилларнинг ўзгаришига қарамасдан ўзини ўзи таъминлайдиган яхлит тизим сифатида қаралади ва бир қатор тадқиқотчилар корхонанинг барқарор ривожланиши бу жараён ёки ўзгариш жараёни деб ҳисоблашади⁷, баъзи тадқиқотчилар «мувозанат» ёки «уйғунлик» каби муҳим хусусиятларни таъкидлайди⁸. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, замонавий саноат корхонасининг барқарор ривожланишини ўрганиш учун олимлар турли хил ёндашувлардан фойдаланишади, булар: тизимли, интеграциялашган жараён ва ресурслар⁹.

Саноат корхонасининг барқарор ривожланиши учун нафақат мезонларнинг моҳияти, балки корхонанинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган воситаларнинг самарали алоқалари ҳам муҳимлиги аниқланди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ҳукумати барча турдаги ресурсларни жалб қилган ҳолда, мувозанатли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва институционал ислохотларни амалга оширмоқда. Бунда барқарор ривожланиш мақсадларига асосланган қадриятлар ётади.

Мавжуд ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни бартараф этиш учун барқарор ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муаммоси барча мамлакатлар учун долзарб бўлиб қолмоқда.

“Барқарор ривожланиш” соҳасидаги илмий ишланмалар таҳлили ушбу концепциянинг саноат корхоналарига нисбатан қўлланиладиган таърифини шакллантиришга имкон берди: барқарор ривожланиш – бу худуднинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ходимларнинг ҳаёт сифатини ҳамда мулкдорлар (акционерлар, хусусий мулк эгалари ва бошқ.) фаровонлиги даражасини оширишга қаратилган иқтисодий, ижтимоий ва экологик табиатнинг доимий ижобий мутаносиб ўзгаришлари жараёни ва келажақда корхонанинг узок муддатли фаолият юритишини таъминлашдир (1-расм).

Барқарор ривожланиш мақсадларини қамровига¹⁰ кўра уч гуруҳга бўлиш мумкин. 1-гуруҳ, ижтимоий мақсадлар: ижтимоий барқарорликка эришиш ва уни таъминлаш; ижтимоий адолатни ўрнатиш ва таъминлаш; демографик вазиятни яхшилаш ва демографик барқарорликни таъминлаш. 2-гуруҳ, экологик мақсадлар: барча турдаги ресурслардан оқилона фойдаланиш тизими; юқори сифатли атроф-муҳитни таъминлаш ва сақлаш. 3-гуруҳ,


⁷Анохин С.Н. Исследование стратегий экономической устойчивости промышленных предприятий (на примере предприятий машиностроения и металлообработки): автореф. дис. ...канд. экон. наук: 08.00.05–Саратов: Саратовский государственный социально-экономический университет, 2003. – 24 с.

⁸ Абалкин, Л.И. Новая парадигма устойчивого развития России (комплексное исследование проблем устойчивого развития) / Л.И.Абалкин. – М.: Академия, 2009. – 152 с.

⁹ Броило, Е.В. Управление экономической устойчивостью организаций сферы предпринимательства в условиях кризиса // Вестник НИЦ корпоративного права, управления и венчурного инвестирования Сыктывкарского ГУ: электронный научный журнал. – 2009. – № 1. – Режим доступа: <http://koet.syktsu.ru/vestnik/2009/2009-1/3/3.htm>. Арошидзе, А.А. Информационная архитектура оценки экономической устойчивости промышленного предприятия//Сборник материалов XLIII Международной научно-практической конференции «Актуальные вопросы науки». – М.: «Спутник +», 2018. – С. 32-34

¹⁰Ильичева А.В. Методика интегральной оценки устойчивого развития предприятий территориально-промышленного комплекса // Наука и бизнес: пути развития. – 2013. – № 9 (27). – С. 112-117.

иқтисодий мақсадлар: иқтисодий ўсиш; халқаро ҳамкорлик; шахснинг иқтисодий ривожланиши.



1-расм. Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш концепцияси¹¹

Корхонани барқарор ривожлантириш ва бошқариш учун турли механизмларга эга бўлиш ва улардан фойдаланиш зарур. Кўплаб тадқиқотчилар хўжалик механизмининг турли хил ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий институтларининг кенг доирасини "иқтисодий механизм" ёки

¹¹Муаллиф ишланмаси.

“ташкилий механизм”га қараганда кенгроқ тушунчани ўз ичига олганлиги билан тавсифлайдилар. Шунинг учун "тадбиркорлик тузилмалари барқарор ривожланишининг иқтисодий-ташкилий механизми" тушунчаси аниқлаштиришни талаб қилади ва биз уни тадбиркорлик тузилмалари барқарор ривожланишининг иқтисодий-ташкилий механизми сифатида кўриб чиқамиз ва бу иқтисодий ресурсларнинг тартибли ўзаро таъсирининг иерархик равишда қурилган тадбиркорлик тузилмалари фаолиятининг барқарорлигини таъминлайдиган тизимдир.

Диссертацияда билимлар, инновациялар ва технологияларни ривожлантиришга асосланган барқарор ривожланиш стратегиясининг ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ўртасидаги мувозанатини таъминлашдаги роли ва маълум бир корxonанинг барқарор ривожланиш мақсадларини шакллантириш корxonанинг стратегик мақсадларига, унинг ривожланиш статикаси ва динамикасига, молиявий кўрсаткичлари ва корxonанинг ахборот ривожланиши даражасига боғлиқлиги аниқланди.

Муаллиф фикрича, корxonанинг барқарор ривожланишига эришиш ва уни таъминлаш муайян стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни талаб қилади. Бунда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш учун “мақсадлар дарахтини” яратиш тавсия этилади.

Албатта, корxonанинг барқарор ривожланишга ўтиши иқтисодиёт ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг оқилона комбинациясида, шунингдек, бозор тизимининг самарали фаолиятида амалга оширилиши керак.

Замонавий ишланмаларнинг¹² таҳлили шуни кўрсатадики, битта соҳанинг иқтисодий субъектлари гуруҳини ташкил этиш ва бошқаришда кластерли ёндашув, айниқса инновацион ишлаб чиқариш кластерини шакллантириш барқарор ривожланишга имкон беради.

Қурилиш материаллари саноати корxonалари ривожланишининг барқарорлигига эришиш учун мақбул мақсадлар ва воситаларни танлашни ўз ичига олган тегишли стратегияни ишлаб чиқиш орқали эришиш мумкин. Улар саноат корxonаларининг рақобат муҳитида мақбул позициясига эришиш ва қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши керак.

Диссертациянинг **“Қурилиш материаллари саноатини барқарор ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корxonалари ривожланишининг асосий тенденциялари ва ўрганилаётган минтақанинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда қурилиш материаллари саноатининг ҳолати таҳлил қилинган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корxonаларининг барқарор ривожланиши турли услубиятлар орқали баҳоланган.

¹²Батырова Н.С. Методологические основы разработки и реализации стратегии устойчивого развития хозяйствующего субъекта. // Экономический анализ: теория и практика. – 2014. – №44. – С. 14-25.

Замонавий шароитда, қурилиш ва ўрганилаётган соҳа ўртасида ривожланишнинг икки томонлама инновацион алоқалари кучаймоқда. Бир томондан, қурилиш лойиҳаларининг янада мураккаблашиши (янги конструктив-режалаштириш ечимларини ишлаб чиқиш, биноларнинг энергия самарадорлигига талабларнинг кучайиши ва ҳ.к), объект сифатига талабларнинг ошиши ва қурилиш вақтини қисқартириш янги инновацион қурилиш материалларини яратиш эҳтиёжларини келтириб чиқармоқда. Бошқа томондан, қурилиш илмий тафаккурининг ривожланиши қурилиш материалларининг янги авлодлари (масалан, нанотехнологиялардан фойдаланишга асосланган материаллар) яратилишига олиб келмоқда, бу эса тубдан янги бино ва иншоотларни қуришга имкон беради. Умуман олганда, қурилиш материаллари саноатида, бошқа соҳалар сингари, шиддатли рақобат ривожланмоқда, бунда энг муҳим омил технологиялар ва материалларнинг инновационлиги ҳисобланади. Бугунги кунда бу соҳа инновацион таркибий ва технологик ўзгаришлар остонасида турибди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда капитал қурилиш ҳажмининг барқарор ўсиши кузатилмоқда ва бунда ўрганилаётган соҳанинг ривожланиш даражаси маълум даражада намоён бўлади.

Бугунги кунда қурилиш мажмуасини асосий турдаги қурилиш материаллари билан таъминлайдиган 7 мингдан ортиқ корхона мавжуд бўлиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши кузатилмоқда, бу 2019 йилда мамлакатда 12,9 трлн. сўмни ташкил этди ва саноат ишлаб чиқаришининг умумий таркибидаги улуши 5,5% га етди¹³.

Давлат урбанизация дастурининг¹⁴ амалга оширилиши муносабати билан қурилиш ҳажмининг 1,7 мартага кўпайиши қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжнинг ошишига олиб келади.

Бир қатор асосий материаллар бўйича ички бозорнинг маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан етарли даражада таъминланмаганлиги (1-жадвал) импортнинг ўсишига олиб келади.

1-жадвал

Маҳаллий ишлаб чиқаришнинг бир қатор асосий қурилиш материаллари билан таъминланганлик даражаси¹⁵

Маҳсулот тури	Маҳаллий қурилиш материаллари билан таъминланганлик даражаси (2019 йил)
Цемент	74,8%
Қурилиш ойнаси	50,6%
Линолеум	86,6%
Санитария-техник воситалари	33%

¹³ 2025 йилгача қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш концепцияси (ID-4086). <https://regulation.gov.uz/ru/document/4086>.

¹⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 январдаги «Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5623-сонли фармони//lex.uz.

¹⁵«2025 йилгача қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш концепцияси» маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Шубҳасиз, соҳанинг мақсади қабул қилинадиган иқтисодий кўрсаткичларга эга стандартлар ва меъёрлар талабларига жавоб берадиган кенг турдаги маҳсулотлар орқали инвестицион қурилиш комплексининг замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларига бўлган талабларини тўлиқ қондиришдир.

Тадқиқотда таъкидланишича ҳозирги даврда соҳанинг ривожланиш тенденциялари куйидагилардан иборат:

инновацион-ишлаб чиқариш-илмий кластерини яратиш ва кадрлар салоҳиятини ошириш орқали инновацион жараённи фаоллаштириш;

соҳанинг инвестицион жозибдорлигини ошириш;

анъанавий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги технологиялар асосида маҳсулот турларини максимал даражада кенгайтириш;

янги сифатга эга инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш;

энергия ва ресурсларни тежаш даражасининг кескин ўсиши;

инновацион технологиялар, ишлаб чиқаришни ташкил этиш усуллари ва логистика ёндашувларидан фойдаланиш орқали қурилиш материаллари нархларини пасайтириш;

саноат корхоналарининг жойлашувини яхшилаш;

мамлакатнинг хомашё салоҳиятидан максимал даражада фойдаланиш;

маҳсулот сифатини сезиларли даражада оширишни таъминлаш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларини амалга оширишни фаоллаштириш ва соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш.

Соҳани бу тарзда ривожлантириш ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг кўпайишига, янги иш ўринларининг яратилишига ва соҳада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар экспортининг кўпайишига олиб келади.

Диссертацияда Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўп жиҳатдан ҳудудий хусусиятларга эга эканлиги таъкидланиб, булар: саноат марказларидан узоқлиги сабабли маневр қилишнинг қийинлиги, об-ҳавонинг кескин континенталлиги туфайли қурилиш мавсумининг қисқалиги, ҳудуднинг катта қисми сувсизлиги, ривожланмаганлиги ва бошқалар эканлиги аниқланди.

Ўрганилаётган соҳа бўйича асосий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таҳлил қилганимизда (2-жадвал) девор ва юмшоқ том ёпиш материаллари ишлаб чиқаришининг барқарор ўсишини кузатиш мумкин. Қурилиш учун стратегик материал – цемент ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши соҳа учун мутлақ ютуқ ҳисобланади: 2017-2018 йилларда Қорақалпоғистонда биринчи марта цемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу албатта, катта ютуқ ҳисобланади.

**Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати
маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси¹⁶**

Кўрсаткичлар номи	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2019-йилда 2015-йилга нисбатан ўсиш, марта
Темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш (м ³)	129 348,6	92 850,7	178 256,0	224 579,2	157 175,3	1,21
Девор материаллари (минг дона)	67 914,0	65 135,9	77 601,6	101 555,2	107 747,8	1,59
Юмшоқ том ёпиш материаллари (минг м ²)	210	411,8	328,7	434,1	222,2	1,06
Цемент (минг тонна)	-	-	48	142,5	305,1	6,35

Умуман олганда, Қорақалпоғистоннинг қурилиш материаллари саноати қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳам, номенклатура бўйича ҳам қурилиш материалларига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қаноатлантирмайди. Бундан ташқари, Қорақалпоғистонда ишлаб чиқарилган бир қатор қурилиш материаллари нархлари мамлакатнинг бошқа ҳудудларига нисбатан юқори бўлиб, бу айрим қурилиш материалларини ишлаб чиқариш учун маҳаллий хомашёнинг етишмаслиги, соҳа корхоналари моддий-техник базасининг орқада қолиши ва ҳудуднинг нисбатан катталиги сабабли қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларининг кучли ишлаб чиқарувчилари бир-биридан узоклиги туфайли рақобатнинг пастлиги билан изоҳланади. Ўрганилаётган минтақа мамлакатнинг йирик саноат марказларидан узокда жойлашган трансчегаравий ҳудуддир. Шунинг учун қурилиш материалларининг асосий қисми Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларидан келтирилади. Бунда, қурилиш ишлаб чиқариши юқори материал истеъмоли билан ажралиб туришини ҳисобга олсак, таннарх таркибида қурилиш материалларининг нархи устунлик қилади, баъзан у 60-65 %ни ташкил этиши мумкин. Бундан ташқари бир қатор ижтимоий-маданий ва маиший мақсадлардаги объектлар учун ички ва ташқи дизайнга талабнинг ошиши сабабли ҳозирги вақтда ушбу улуш ўсиб бормоқда¹⁷.

Ўрганилаётган соҳа кўплаб омилларга боғлиқ ва кўплаб иқтисодий, ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал қилишга қодир эканлиги исботланди. Диссертацияда соҳанинг барқарорлигига таъсир кўрсатадиган энг устувор омилларни аниқлаш учун мутахассислар ўртасида сўров ўтказилди ва маълумотларни қайта ишлаш натижасида Қорақалпоғистондаги қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини

¹⁶ Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

¹⁷Кальметов Б.Д., Казимов В.А., Гимуш Р.И. Углубление экономических реформ в строительном комплексе Узбекистана. Монография Ташкент, 2006. 186 с.

таъминлашнинг энг муҳим омиллари қуйидагилар эканлиги аниқланди: қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион ривожланиши ва корхоналарнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш. Айнан улар диссертация ишида батафсил ўрганилиб, бу борада қатор тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

“Инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатининг барқарор ривожланиши самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари” деб номланган учинчи бобда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш стратегияси, қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишининг асосий йўналишлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш истиқболлари прогнози баён этилган.


Ўрганилаётган соҳанинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг бошланғич ташкилий-иқтисодий механизмига киритилган таркибий қисмлар: қурилиш материаллари саноати корхоналарининг инновацион ривожланиши, корхоналарнинг маркетинг фаолиятини такомиллаштириш ва шунингдек, бугунги кунда тармоқларнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг тизимли усули бўлган кластерни шакллантиришдир.

Бу борада илмий ишда Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида инновацион ишлаб чиқариш кластерини шакллантириш ва ривожлантириш механизми таклиф этилиб, унинг иштирокчилари, уларнинг ўзаро алоқалари ва асосий вазифалари кўрсатиб берилган (2-расм).

Фикримизча, Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг энг муҳим вазифалари кластер аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича ташкилий ҳужжатларни яратиш, кластернинг ривожланишини мониторинг қилиш ва инновацияларни рағбатлантириш ҳисобланиши лозим.

Инновацияларнинг тармоқ портфелини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалар ЎзФА илмий текшириш институти Қорақалпоғистон бўлими ҳамда Қорақалпоқ давлат университетининг етакчи ходимлари томонидан амалга оширилиши лозим. ҚҚДУнинг услубий бошқаруви остида Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасалари кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди, корхоналарда инновацияларни амалга оширишда иштирок этади.

Соҳа корхоналарининг вазифаси маҳаллий инновацион портфелларни шакллантириш, уларни амалга ошириш дастурларини ишлаб чиқиш ва корхонада янгиликларни жорий этишдан иборат бўлади.



2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноатида инновацион-ишлаб чиқариш кластерини шакллантириш ва ривожлантириш схемаси¹⁸

¹⁸ Муаллиф ишланмаси.

Диссертацияда Қорақалпоғистон Республикаси саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш механизми таркибий қисмлари аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси қурилиш материаллари саноат корхоналарининг барқарор ривожланиш механизми компонентлари таркиби¹⁹

№	Компонентнинг номи	Компонентнинг мақсади	Қутилаётган натижа
1	Инновацион-ишлаб чиқариш-таълим кластери	Тизимни ташкил этувчи характерга эга. Кластер аъзоларининг фаолиятини бирлаштириш учун мўлжалланган	Тармоқ корхоналари салоҳиятини ривожлантиришни жадаллаштириш, кластер аъзолари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, синергетик самарага эришиш
